

Бақара сураси, 86-оят

01:29 / 12.10.2017 4378

Ана ўшалар дунё ҳаётини охиратга сотиб олганлардир. Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга ёрдам ҳам берилмас. Бақара 86.

Охиратни сотиб, дунёни олиш яҳудийларнинг энг катта сифатларидан бўлиб, уларнинг машғулоти ўзи шудир.

Уларнинг фикри-зикрлари, саъю кўшишлари фақатгина бу дунё матоҳи учун бўлганидан бу дунёда баъзи мақсадлари – беш кунлик ҳою ҳавасга эришишлари мумкин. Аммо у дунёда

«Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга ёрдам ҳам берилмас».

Бу Аллоҳ таолонинг ваъдасидир. У Зот ҳеч ваъдасига хилоф қилмайди. Яҳудийлар ўз қилмишлари туфайли охиратларини куйдирдилар. Нафақат охиратларини, балки икки дунёларини хароб айладилар. Ушбу оятдаги таҳдид эса ҳаммасидан ўтиб тушди. Ўзларидан кўрсинлар.

Юқоридаги оятлардан маълум бўладиги, улар Аллоҳга берган аҳду паймонларига амал қилмайдилар, аммо араб мушрикларига берган аҳдларига риоя этадилар. Бундан яна бир кирдикорлари очилади – улар ўта ҳийлакор ва эҳтиёткордирлар. Ўзлари иккига бўлиниб, икки араб қабиласига «дўст» бўлиб олишган. Улардан қай бири ғолиб келса, ўша томонга ўтиб олиш учун олдиндан замин тайёрлаб қўйишган. Улар доимо шундай қилишади. Яъни яҳудийлар доимо дунёвий манфаатларини илоҳий кўрсатмалардан устун қўйишади.